



Иқтисодиётнинг Барча Турларига Оид Атамаларнинг Таърифлари

Мамаюнус Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Мурод Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Обид Пардаев – Мустақил изланувчи, PhD

Аннотация: мақолада жаахон ва мамлакатимиз иқтисодиётига оид бир қанча атамаларнинг таърифлари ишлаб чиқилди. Булар жумласига миллий иқтисодиёт, микроиқтисодиёт, корхона иқтисодиёти, макроиқтисодиёт, глобал иқтисодиёт, оила иқтисодиёти, режали иқтисодиёт, аграр иқтисодиёт, норасмий иқтисодиёт, бозорли иқтисодиёт, қолоқ иқтисодиёт каби тушунчалар киради. Булардан ташқари дунё иқтисодиётининг ривожланиши туфайли вужудга келган янги иқтисодиёт турлари, хусусан, инновацион иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, яшил иқтисодиёт, креатив иқтисодиёт, очиқ иқтисодиёт, анъанавий иқтисодиёт, ёпиқ иқтисодиёт, инклюзив иқтисодиёт, социал иқтисодиёт, постиндустриал иқтисодиёт каби тушунчаларнинг ҳам таърифлари ишлаб чиқилган. Ҳозирги шароитда олдиндан сақланиб келинаётган, аммо ошқора қилинмайдиган хуфёна (яширин) иқтисодиёт, криминал иқтисодиёт каби тушунчаларнинг ҳам таърифлари ишлаб чиқилган. Аҳамиятли жиҳати, ушбу таърифлар ушбу шаклда илк бор тизимлаштирилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, микроиқтисодиёт, корхона иқтисодиёти, макроиқтисодиёт, глобал иқтисодиёт, оила иқтисодиёти, режали иқтисодиёт, аграр иқтисодиёт, норасмий иқтисодиёт, инновацион иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, яшил иқтисодиёт, креатив иқтисодиёт, бозорли иқтисодиёт, қолоқ иқтисодиёт, очиқ иқтисодиёт, анъанавий иқтисодиёт, ёпиқ иқтисодиёт, инклюзив иқтисодиёт, социал иқтисодиёт, постиндустриал иқтисодиёт.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Ҳар бир даврнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Шу туфайли унга боғлиқ турли ўзгаришлар содир бўлиши табиий. Худди шундай иқтисодиётда ҳам узлуксиз такомиллашув жараёни содир бўлмоқда. Жамият пайдо бўлганда илк бор аграр иқтисодиёт аста-секинлик билан индустриал иқтисодиёт пайдо бўлган бўлса, бугунга келиб, инновацион, рақамли, креатив каби иқтисодиётлар ҳам вужудга келди. Аммо буларнинг бир-бири блан фарқини тушуниш учун буларнинг таърифларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Аммо мавжуд адабиётларда бундай иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари бир-бирига боғлиқ ҳолда тизимли равишда ишлаб чиқилмаганлигига гувоҳ бўлдик. Шу туфайли мазкур атамаларнинг таърифлари иқтисодиёт фани учун катта аҳамиятга эгалигини инобатга олиб, уларни ишлаб чиқишга жазм қилдик. Зеро ҳозирги кунда, келажакда ҳам ушбу атамаларнинг назарий талқини объектив заруриятдир. Масаланинг айнан ушбу жиҳатлари мазкур мавзунинг ўта долзарб мавзуга бағишланганлигидан далолат беради.

Таҳлил ва натижалар. Инсоният ҳаётида иқтисодиёт муҳим аҳамиятга эга. Чунки унинг ташқи ва ички дунёси, яшаш даражаси, фаровонлиги, ҳуллас ҳамма-ҳаммаси шу категория билан боғлиқ. Бироқ иқтисодиётнинг айнан қандай турлари мавжуд, уларнинг назарий тушунчалари, аниқроғи таърифлари тизимли равишда ишлаб чиқилмаган. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, ҳозирги иқтисодиётнинг бутун дунё бўйича интеграциялашаётган шароитида ушбу тушунчаларнинг таърифларини ишлаб чиқиш объектив заруриятга айланган. Зеро, тадқиқотчилар иқтисодиётнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида тушунчага эга бўлишликни тақозо қилади. Буларни инобатга олиб



хозирги шароитда қандай иқтисодиёт ҳақида гап кетадиган бўлса, уларнинг деярли ҳаммасини тўғлаб, бир тизимга келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Марҳамат танишинг:

* * *

Иқтисодиёт деганда, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш), тақсимот, айрибошлаш (савдо) ва истеъмол жараёнларини ўз ичига оладиган соҳаларнинг яхлит мажмуи тушунилади.

* * *

Миллий иқтисодиёт деганда, мамлакат ичкарасида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш), тақсимот, айрибошлаш ва истеъмол билан боғлиқ барча иқтисодий жараёнлар ва муносабатлар мажмуи тушунилади.

* * *

Микроиқтисодиёт деганда, иқтисодиётнинг қуйи бўғини бўлган хўжалик юритувчи субъектларда содир бўладиган талаб ва таклиф асосида ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш кабиларни сотиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ иқтисодий жараёнлар тушунилади.

* * *

Корхона иқтисодиёти деганда, микроиқтисодиётнинг бир тури сифатида, барча иқтисодий жараёнлар, яъни ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш кабиларнинг корхона доирасида содир бўлиши тушунилади.

* * *

Макроиқтисодиёт деганда, битта давлат миқёсида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш кабиларнинг натижаларини тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ барча иқтисодий жараёнлар ва муносабатлар мажмуи тушунилади.

* * *

Глобал иқтисодиёт деганда, дунё миқёсида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш кабиларнинг натижаларини давлатлар аро тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ барча иқтисодий жараёнлар ва муносабатлар мажмуи тушунилади.

* * *

Оила иқтисодиёти деганда, оиланинг ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш каби фаолиятларни амалга ошириш эвазига даромад қилиш ва уни оила доирасида ўзлаштиришга қаратилган иқтисодит тушунилади. Оила доираси эр-хотинлик, бола-чақалик ва қариндошлик асосида бирга яшовчи кишилар гуруҳидан иборат бўлади.

* * *

Режали иқтисодиёт деганда, иқтисодиётнинг барча жараёнлари (ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш кабилар) давлат миқёсида, алоҳида ҳудудлар ва субъектлар кесимида қатъий режа асосида олиб бориладиган давлат томонидан бошқариладиган иқтисодиёт тушунилади.

* * *

Аграр иқтисодиёт деганда, инсоннинг ер-сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланган ҳолда, асосан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва у билан боғлиқ ҳайвонлар ва ўсимликлар (дарахтлар) навини яратишга ҳамда ривожлантиришга қаратилган аграр соҳага асосланган иқтисодиёт тушунилади.

* * *

Инновацион иқтисодиёт деганда, янги илғор ғоялар ва ишланмалар асосида янги маҳсулотлар (технологиялар) ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишнинг



янги усуллари кашф қилиш асосида иқтисодий жараёнларни илғор технологиялар билан такомиллаштириш имкониятлари тушунилади.

* * *

Рақамли иқтисодиёт деганда, ахборот-коммуникация технологияларидан ва интернет имкониятларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий жараёнларни, яъни ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини баҳолаш ва бошқаришга мўлжалланган иқтисодиёт тушунилади. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланаётган турларидан, ҳозирги кунда электрон бизнес, интернет орқали маълумотлар алмашиш кабиларни тушуниш мумкин.

* * *

Хуфёна (яширин) иқтисодиёт, деганда, иқтисодиётнинг давлат назоратидан четда қолиб, расмий статистикасида ҳам, солиқ базасида ҳам ўз ифодасини топмаган, иқтисодий ноаниқликларни ва ижтимоий адолатсизликларни келтириб чиқарадиган иқтисодиёт тушунилади. Хуфёна иқтисодиётнинг турларига: жинои (криминал) иқтисодиёт, сахта (фиктивний) иқтисодиёт, норасмий иқтисодиёт, ёпиқ иқтисодиёт кабилар кирази.

* * *

Норасмий иқтисодиёт деганда, давлат рўйхатидан ўтмасдан иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган ҳўжалик юритувчи субъектлар (тадбиркорлар) фаолияти тушунилади.

* * *

Аралаш иқтисодиёт деганда, иқтисодий жараён таркибида, давлат, хусусий, шерикчилик (қўшма), хорижий каби мулклар иштирокига асосланган иқтисодиёт тушунилади.

* * *

Яшил иқтисодиёт деганда, инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарур бўлган ресурсларни, атроф-муҳит ва экологияни бир бутун ҳолда сақлаб қолиб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ иқтисодиётни янада ривожлантиришни амалга оширишга асосланган иқтисодий фаолиятнинг янги йўналиши тушунилади.

* * *

Креатив иқтисодиёт деганда, мавжуд иқтисодиётни янгича ёндошув, янги ғоялар билан такомиллаштириб, унинг янги-янги йўналишларини барпо этиш мақсадида янгича фикрлаш асосида инсон тафаккурида шаклланган ва амалиётда ўз тасиғини топган янги иқтисодиёт тушунилади.

* * *

Бозорли иқтисодиёт деганда, иқтисодиёт субъектларининг аҳоли ва жамият эҳтиёжларига мос товарларни ишлаб чиқаришни, иш бажаришни ва хизматларни кўрсатишда баҳони белгилаш, сотувчилар ва харидорларни ҳам талаб ва таклифдан келиб чиқиб мустақил ҳал қиладиган фаолияти тушунилади.

* * *

Индустриал иқтисодиёт деганда, содир бўлаётган иқтисодий жараёнлар қўл меҳнати ўрнига техника ва технологияларни жорий қилиш асосида амалга ошириладиган техник жиҳатдан такомиллашган иқтисодиёт тушунилади.

* * *

Худудий иқтисодиёт деганда, давлатнинг маълум бмр худудига дахлдор бўлган табиати, географик жойлашуви, аҳолиси, ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизматларни кўрсатиш турлари бўйича ўзига хос бўлган шу худудга мансуб иқтисодий жараёнлар тушунилади.

* * *



Ўтиш даври иқтисодиёти деганда, бир тузимдан иккинчи тузимга ўтиш жараёнида мавжуд иқтисодий принциплардан воз кечиб, янги иқтисодий принципларни шакллантириш билан боғлиқ ўзгаришлар содир бўладиган даврдаги иқтисодиёт тушунилади.

* * *

Анъанавий иқтисодиёт деганда, маҳалли аҳоли ва ҳудуд анъаналарига мос ҳолда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни, иш бажаришни ва хизматларни кўрсатиш натижасида шаклланган иқтисодиёт тушунилади.

* * *

Ёпиқ иқтисодиёт деганда, давлатнинг фақат ўз ҳудудида, ташқи алоқаларсиз фақат ўзида ишлаб чиқарилади, тақсимлайди, айрибошлайди ва истеъмол қилиш жараёнларини амалга ошириладиган иқтисодиёти тушунилади. Бунда хорижий давлатлар билан деярли алоқа қилинмайди, импорт ва экспорт операциялари ҳам амалга оширилмайди.

* * *

Очиқ иқтисодиёт деганда, жаҳон хўжалиги иқтисодий алоқари тизимида интеграциялашган ва ҳар қандай хўжалик субъектига ташқи дунё билан экспорт ва импорт операцияларини эркин амалга ошириш ҳуқуқини берувчи иқтисодиёт тушунилади.

* * *

Қолоқ иқтисодиёт деганда, инновацион ғоялар, техника ва технологиялар қўлланилмайдиган, асосан қўл меҳнатига асосланган иқтисодиёт тушунилади.

* * *

Ривожланган иқтисодиёт деганда, барқарор иқтисодий ўсиш суръатига, аҳоли жон бошига юқори даромадга эга бўлган, хавфсизлиги таъминланган ва ривожланган технологик инфратузилмали иқтисодиёт тушунилади.

* * *

Ривожланаётган иқтисодиёт деганда, узлуксиз иқтисодий ўсиш суръатларини намоён этаётган, тобора кенгайиб бораётган инфратузилмага эга бўлган ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар ижобий томонга ўзгариб бораётган иқтисодиёт тушунилади.

* * *

Криминал иқтисодиёт деганда, хўжалик фаолияти товар ва хизматларни (иқтисодий ноз-неъматларни) ноқонуний тарзда ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнларини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади.

* * *

Инклюзив иқтисодиёт деганда, жамият ҳар бир аъзосининг эҳтиёжларини имкон қадар ҳисобга оладиган ва иқтисодий ресурсларни нисбатан адолат ва тенглик асосида тақсимлаш орқали аҳоли ҳаёт фаровонлигида ўсиб бораётган тенгсизлик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган иқтисодиёт тушунилади.

* * *

Социал иқтисодиёт деганда, мамлакатда яратилган миллий даромадни аҳоли кенг қатламлари ўртасида ижтимоий адолат юзасидан оқилона тақсимлаш асосида жамиятда ижтимоий ҳамжиҳатликни кучайтиришга қаратилган иқтисодий тараққиёт модели тушунилади.

* * *

Постиндустриал иқтисодиёт деганда, юқори меҳнат унумдорлиги, юқори технологиялар ва венчур бизнесига таянган ҳолда, ЯИМ таркибида юқори технологияли товарлар ва хизматларлар улушининг кўпайишига ҳамда инновацион сектор устунлигини таъминлашга эришган иқтисодиёт тушунилади.



* * *

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Большая экономическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007, - 816 с.
2. Советский энциклопедический словарь. Гл. ред. С.М.Ковалев. – М.: “Советская энциклопедия”, 1979. – 1600 с.
3. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти 2018.
4. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж, Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 б.;
5. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2020. – 256 б.
6. Пардаев М.Қ., Пардаева Озода, Пардаев Обид. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
7. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. - 60-61 бетлар.
8. Словарь современных терминов в сфере туризма: Справочни-методическое пособие. / Авт.сост. Е.В.Голишева, Н.В.Ивонина, И.С.Тухлиев, А.П.Темирходжаев. Самарыанд, «Зарафшон», 2018, - 276 с.
9. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш. Н-тартибли. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006. – 432 бет.
10. <https://president.uz/uz/lists/view/6763>
11. lex.uz/
12. <https://uza.uz/posts/551367>
13. <https://kun.uz/news/2023/10/13/ozbekistonda-imkoniyati-cheklangan-insonlar-qanday-qollab-quvvatlanyapti>.
14. https://uza.uz/uz/posts/finlyandiyalik-maslahatchi-talimdagi-islohotlar-mazmuni-eng-quyi-tizimgacha-etib-bormayapti_420686